



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 20 ” May 20 21 y

Yaypan shahri 374 sonli

Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovichга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ва 2021 йил 13 январ куни қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-10-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovich га деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 15 мартъ 2021-йилдаги хулосаси тасдиқлансин.
2. Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovichга туман ҳокимлиги захира фондига қаршли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Ғаниобод ММТП худуди қишлоқ хўжалиги харитасининг № 630қ-контурда жойлашган 0,35 (ўттиз беш сотих) га ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.
3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани “давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovichга юклатилсин.
4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Кўчқоровга топширилсин.
5. Қуйидаги қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашини навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокими ўринбосари Ш.Эшонкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Ш.Юлдашев



Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovich га деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

ХУЛОСАСИ

15.03.2021-йил

Яйпан шаҳар

Туман ҳокимининг 2015 йил 22 январдаги 4-Ф-сонли фармойиши 2-иловасига асосан тасдиқланган қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи

Ўзбекистон туман комиссиясининг раиси:

Ш.Эшонқулов - туман ҳокими ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари

А.Ражабов - Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи

Комиссия котиби:

Ф.Париддинов – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

Ю.Иргашев- туман деҳқон фермер хўжалиги ва томорка ер эгалари кенгаши раиси

О.Вахобов- туман қурилиш бўлими бошлиғи

И.Хамракулов- Агрокимёхимоя Ўзбекистон тумани филиали раҳбари

А.Маликов- туман сув хўжалиги бўлими бошлиғи

Ғ.Хамракулов- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи

А.Сулоймонов- туман ДСНМЭ бош вироаи

О.Абдуллаев- туман статистика бўлими бошлиғи

Ш.Рахимов - фуқаро

Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovich нинг туман ҳокимлигида 18.01.2020-йилдаги № 59-сон билан қайд этилган деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдонини ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига ва такдим этилган ҳужжатларга биноан жойига бориб ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Ўрганиш давомида Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovich томонидан деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун сўралган ер майдони Ғаниобод ММТП худуди қишлоқ хўжалиги харитасининг № 630к-контурдаги 0,35 (ўттиз беш сотих) га қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонидан иборат эканлиги, сўралган ер майдонини фуқаро Raimov Shuxratjon Azamovichга деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилса мақсадга мувофиқ бўлишлиги аниқланди.

Юккоридаги аниқланганларга кўра комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 октябр 2017 йилдаги ПҚ 3318-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг дехкон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги 6 ва 55-моддасига асосланиб комиссия аъзолари куйидагича

ХУЛОСА КИЛАДИ:

1. Бузукўрғон МФЙ Бузукўрғон қишлоғида яшовчи фуқоро Раимов Shuxratjon Azimovichга туман ҳокимлиги захира фондига қаршли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Ғаниобод ММТП ҳудуди № 630қ-контурда жойлашган 0,35 (ўттиз беш сотих) га ер майдонини дехкон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалиқ қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

2. Ушбу хулоса тасдиғини туман ҳокимидан сўралсин.

Комиссия раиси:

Ш.Эшонкулов

Комиссия раиси ўринбосари

А.Ражабов

Комиссия котиби:

Ф.Пахридинов

Комиссия аъзолари:

А.Маликов

Ю.Иргашев

О.Вахобов

И.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ғ.Хамракулов

О.Абдуллаев

Ш.Раимов

